

1с.30т

УРТА
АСРЛАР
ТАРИХИ

386.51
909

С-14

В. Ф. СЕМЁНОВ
УРТА
АСРЛАР
ТАРИХИ

Ц.б.к.
909
с-44

ПРОФ. В. Ф. СЕМЕНОВ

ЎРТА АСРЛАР ТАРИХИ

ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТЛАРИ УЧУН ДАРСЛИК



Учебная
библиотека
ТашГУ

ЎҚИТУВЧИ, НАШРИЕТИ
Тошкент — 1973

*m

К и р и ш

Г «Урта асрлар» деган термин деярли янги терминдир. Бу терминни XVI—XVII асрларда ўтган гуманист-тарихчилар киритган бўлиб, улар ҳам буни ўз навбатида гуманист-филологлардан олганлар, гуманист-филологлар латин тилини қадимги, ўрта ва янги (Ренессанс ёки Уйғониш даври — янги давр деб аталган) тил деб, учга бўлганлар. Бу терминология XVIII асрда узил-кесил қарор топди.

Урта тарих ёки кўпроқ ўрта асрлар тарихи деб аталган тарихнинг хронологик чегаралари турли вақтларда турлича белгиланиб келган. Баъзи тарихчилар ўрта асрлар тарихи Константиин Буюк подшолик қилган даврдан (IV аср бошларидан) бошланиб, 1453 йилда Константинополнинг қулаши билан тамом бўлади деб ҳисоблаганлар. XIX аср тарихчилари ўрта асрлар тарихининг хронологик чегаралари 476 йилдан — Ғарбий Рим империяси қулаган йилдан бошланиб, 1492 йил Америка кашф қилинган йил билан тамом бўлади, деб ҳисоблаганлар.▲

Умумий тарихни марксча даврларга бўлиш бутунлай бошқа принципларга асосланган. Марксча даврларга бўлиш ижтимоий-иқтисодий формациялар прогрессив равишда алмашинади, деган тасаввурга асосланади, бу алмашилиш социал революция билан тугайдиган кескин синфий кураш натижасида содир бўлади. Инсоният ўзининг тарихий тараққиётида бирин-кетин бир неча босқични: ибтидоий жамоа тузумини, қулдорлик тузумини, феодализм ва капитализмни босиб ўтди. Капитализм ўрнини коммунизм олмоқда, унинг биринчи фазаси бўлган социализм мамлакатимизда тўла тантана қилди ва бошқа социалистик мамлакатларда ҳам муваффақият билан ривожланмоқда.

Урта аср Европаси тарихи Рим қулдорлик империясининг қулашидан бошланади, бу империя ички қарама-қаршиликлар натижасида, яъни қулдорлик хўжалигининг кризиси, синфий курашнинг ғоят кескинлашиб кетганлиги, Италиянинг ва унинг вилоятларининг заифлашиб кетганлиги ҳамда иқтисодий ва сиёсий алоқаларининг узилиб кетганлиги натижасида, шунинг-

дек, ташқи шароитлар натижасида — варварларнинг оммавий ҳужум қилиши натижасида қулади. Варварлар империяни босиб олиб, унинг территориясида бир қанча варвар қоролликлари тузган эдилар. Эрамининг V—VI асрларида ташкил топган бу қоролликлар Европада кейинчалик вужудга келган миллий давлатларнинг куртаги бўлди. Марксча-ленинча адабиёт XVI асрни ва XVII асрнинг дастлабки ўн йилликларини, яъни феодализм ниҳоятда чириётган ва капиталистик элементлар таркиб топаётган даврни, одатда, ўрта асрнинг охири деб ҳисоблайди, феодализмнинг ниҳоят даражада чириб ва капиталистик тузум элементларининг таркиб топиб бораётганлиги ҳам ўша асрлардаги Фарбий Европада хос бўлган кескин ижтимоий, сиёсий ва маданий ўзгаришлар орқасида юз берди. XVII асрнинг 40- йилларидаги инглиз революцияси, яъни Европадаги биринчи йирик буржуа революцияси ўрта асрлар тарихини янги замон тарихидан ажратиб турадиган чегара бўлиб, янги тарих курси шу революциядан бошланади.

Ўрта асрлар тарихи феодализм ишлаб чиқариш усули ҳукмрон бўлган давр тарихи эканлиги. Ўрта асрлар тарихи минг йилдан ортиқроқ давр тарихидир, бу даврда Фарбий ва Шарқий Европа халқлари ҳам, шунингдек, Осиё ва Шимолий Африка халқлари ҳам ўзларининг ижтимоий тараққиётларида алоҳида бир босқични — феодализмни бошларидан кечирмоқда эдилар. Агар қадимги дунё тарихига, асосан қулдорлик формацияси тўғри келса, агар янги тарихнинг мазмуни капиталистик тузумнинг қарор топиши, гуллаши ва кейинчалик тушқунликка учрашдан иборат бўлса, ўрта асрлар феодализм формациясининг ривожланиши билан боғлангандир. Феодализм тузумининг қарор топиши, унинг гуллаши ва, ниҳоят, чириб, тушқунликка юз тутиши ўрта асрлар тарихининг ижтимоий-сиёсий мазмунини ташкил этади; ўрта асрлардаги жамиятнинг бутун ҳаёти феодализм ишлаб чиқариш усулига асослангандир. Марксизм-ленинизм асосчилари ўз асарларида феодализм ишлаб чиқариш усулини бир неча бор тавсифлаб бердилар. В. И. Ленин феодализмни капитализм билан таққослаб, феодализм ишлаб чиқариш усулининг тўртта характерли белгисини: 1) натурал хўжалик ҳукм суришини; 2) майда ишлаб чиқариш феодализм ишлаб чиқаришнинг негизини ташкил қилишини, шу билан бирга, капитализмдан фарқ қилиб, меҳнатқашлар ишлаб чиқариш воситаларидан ажралган бўлмай, балки ишлаб чиқариш воситалари билан узвий равишда боғланган бўлишини; 3) ғайри иқтисодий йўл билан мажбур қилиш борлигини, бунда помещик деҳқонни маҳсулотининг бир қисмини помещикка беришга (юброк) ёки хўжайин ерида ишлаб беришга (барщина) мажбур қилишини; 4) майда ишлаб чиқариш туфайли техника паст, ибтидоий даражада бўлишини кўрсатиб берган эди¹. Феодализм ишлаб чиқариш усули ўзидан ол-

¹ В. И. Ленин. Асарлар, 3- том, 190—191- бетлар.

дин ўтган қулдорлик тузумига нисбатан прогрессив характерга эгадир.

Феодализм ишлаб чиқариш усулининг негизини ўша даврдаги ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси бўлган ерга феодализмнинг эгаллик қилиши ташкил этади. Йирик ер эгалари бўлган феодализм синфи феодализм жамиятининг ҳукмрон синфидир. Феодализм жамиятининг асосий ишлаб чиқарувчи синфи деҳқонлар бўлиб, улар помещик, яъни феодализм ерида яшайдилар, унинг руҳсатисиз поместье территориясини ташлаб чиқиб кетишга ҳақ-ҳуқуқи бўлмай, унга (помещикка) шахсан крепостной қарам ҳолда эдилар. Крепостной деҳқонни ер эгаси — феодализм мудом эксплуатация қилади. Деҳқон ўз меҳнати ва ўзининг асбоб-ускуналари билан баринининг экин ерларини ишлаб берарди ва ундан йиғиб-териб олинган ҳосилнинг ҳаммаси феодализм ихтиёрига келиб тушарди.

Агар баъзи бир сабаблар билан барщина камайтирилган ёки бутунлай бекор қилинган (кейинги ўрта асрнинг сўнгги даврлари) бўлса, деҳқонлар натура билан — маҳсулот шаклида ёки пул шаклида оброк тўлар эдилар. Феодализм рентасининг уч тури — ишлаб бериш, маҳсулот ёки пул рентаси бериш — бутун ўрта аср давомида феодализм эксплуатациясининг учта асосий формаси бўлиб келди, феодализм эксплуатациясининг бу формалари биринкетин алмашиб турди, баъзан ҳатто, учала формаси ҳам бир-бири билан қўшилиб, бир вақтда амал қилиб турди.

Крепостной деҳқоннинг ҳуқуқий аҳволи қулнинг аҳволидан бирмунча яхши эди. Қулдордан фарқ қилиб, феодализм крепостной деҳқонни ўлдиришга ҳаққи йўқ эди. Пул рентасига ўтилиши билан деҳқонни ерга бириктириб қўйиш аста-секин йўқола борди.

Ўрта аср деҳқонининг иқтисодий аҳволи қулнинг аҳволидан анчагина фарқ қилар эди. Феодализм давридаги деҳқон мустақил майда ишлаб чиқарувчи эди. Унинг ер участкаси — чек ери бўлиб, бу ерни унга феодализм берар ва бу ер отадан ўғилга мерос бўлиб қола берар эди: деҳқоннинг ўз уйи, қўраси, иш ҳайвони, жуда ибтидоий бўлса ҳам, турли хилдаги деҳқончилик инвентарлари бўлар эди. Деҳқоннинг ўз хўжалиги бўлиб, антик қул бундан маҳрум эди (борди-ю қул ўз хўжалигига эга бўлиб олса, бу — қулдорлик тузуми чириётганлигининг аломати эди, ёки агар гап қулдорлик тузумининг илк даври устида кетаётган бўлса, бу тузум ҳали ривожланмаганлигидан далолат берар эди). Деҳқон ўз хусусий хўжалигининг бўлиши, ишлаб чиқариш воситалари билан иш кўриши, қўшимча маҳсулотнинг бирор-бир улушини ўзида қолдириш имкониятига эга бўлиши (маҳсулотнинг асосий қисми феодализм рента тариқасида келиб тушар эди), ўрта аср деҳқонда ишлаб чиқаришдан маълум даражада манфаатдорлик туғдира эди. Ўзидан олдин ўтган қулдорлик системасига қараганда, феодализм иқтисодий системасининг асосий афзаллиги ҳам шундадир; шу вазият туфайли янги феодализм жамиятида (қулдорлик жамиятига нисбатан) ишлаб чи-

қариш кучларини янада кенг миқёсда ва янада тезроқ ривожлантириш мумкин бўлди, бу феодал жамияти заминиди капиталистик тузум элементлари ривожланиб бордики, бу тузум ҳам ўз навбатида феодализмга нисбатан хийла даражада прогрессив давр бўлди.

Ўрта асрлардаги жамият ва давлат тараққиётида асосий босқичларнинг хронологик рамкалари. Ўрта асрлар тарихи одатда учта катта бўлимга бўлинади:

1) Илк ўрта аср — V асрдан бошлаб тахминан XI аср охиригача бўлган даврни ўз ичига олади, бу давр феодал тузумнинг ташкил топиши, феодал жамиятнинг асосий иқтисодий ҳужайраси бўлган феодал поместьесининг вужудга келиши, феодаллар табақаларининг ва феодал иерархияси деб аталган иерархиянинг ташкил топиши, ўрта аср феодал Европасида асосий идеологик куч бўлган католик черкови таъсирининг бутун Ғарбий Европада ёйилиши давридир.

2) Ўрта асрларнинг равнақи — XI—XV аср ўрта-ларини ўз ичига олади, бу даврда феодал ишлаб чиқариш усули қишлоқда тўла ривожланибгина қолмай, балки цех хунармандчилигига ва ўзига хос шаҳар ижтимоий тузумига эга бўлган ўрта аср шаҳарлари ҳам ривожланиб, муваффақиятларга эришди, бу тузумнинг хусусияти шаҳарларнинг феодаллар ҳукмронлигидан илк халос бўлиши, эркин шаҳар деб аталган шаҳарларнинг ёки республика—шаҳарларнинг вужудга келишидир. Ўрта асрларнинг биринчи давридаги сиёсий тарқоқликка қарама-қарши ўлароқ, иккинчи даврда марказлашган йирик давлатлар ташкил топди, шу билан бирга король ҳокимиятининг обрў-эътибори ошди, сословиелар (табақалар) вакиллиги муассасалари вужудга келди, сославиели монархия деб аталган монархиялар ташкил топди. Деҳқонларнинг феодализм чирий бошлаганлиги оқибатида кўтарилаётган кучли қўзғолонлари XIV ва XV асрлардаги Ғарбий Европа жамиятини ларзага келтирди, бу қўзғолонлар кўпинча шаҳарлардаги пастки табақа элементлар — плебейлар ҳаракати билан қўшилиб кетган эди.

3) Кейинги ўрта асрлар — XVI асрни ва XVII асрнинг биринчи ярмини ўз ичига олиб, бу давр феодализмнинг чириши ва феодализм ичиди капитализм элементларининг етилиши давридир; асосан мустақил ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилишдан, яъни меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш воситаларини экспроприация қилишдан иборат бўлган дастлабки жамғариш даври деб аталган даврдир. Европа реформацияси деб аталган даврдир, деҳқонларнинг XIV ва XV асрлардагига қараганда янада кучлироқ қўзғолонлари (деҳқон урушлари) ва илк буржуа революциялари давридир. Бу даврда Европада давлатнинг асосий сиёсий формаси абсолютизм бўлиб, бу абсолютизм халқ оммасининг курашини бостириш учун марказлашган ҳокимиятнинг кучайишидан манфаатдор бўлган дворянларга таянар эди ҳамда ҳокимиятни тўғ-

ридан-тўғри ўз қўлига олиш учун ҳали етарли даражада кучли бўлмаган буржуазия билан ҳам иттифоқда эди.

Кишилик тарихида ўрта асрларнинг аҳамияти. Бир вақтлар буржуа тарихчилари (масалан, XVIII асрда бўлган француз революцияси арафасидаги француз тарихчилари) ўрта асрлар тарихига бутунлай нафрат билан қараган эдилар. Улар ўрта асрларни бошдан-оёқ «варварлик», «жаҳолат», «фанатизм» ҳукм сурган замон деб тушунидилар. Ўрта асрлар тарихига бўлган муносабат француз революциясидан кейин ўзгарди. «Романтизм» маслаги деб аталган маслакдаги тарихчилар (XIX асрнинг биринчи ярмида бу маслакдаги кишилар Европадаги ҳамма мамлакатларда бор эди) ўрта асрлардаги жамиятни, аксинча, «бузилган», «цивилизацияли», «янги» жамиятга қарама-қарши бўлган идеал жамият деб ҳисобладилар. Империализм даврида ўрта асрлардаги жамиятга сажда қилиш фашист «тарихчилар»нинг асарларида ифодаланди, фашист «тарихчилар» ўрта асрлардаги ҳарбий-феодал тузумнинг сословиечилигини, урушқоқчилигини, ваҳшиёна, ўзравонлик қилиш ва бошқа варварлик хусусиятларини маътаб завқландилар. Фақат марксча-ленинча методологияга асосланган вақтдагина ўрта асрларга объектив, тўғри баҳо бериш мумкин. Ўрта асрларни идеаллаштириш марксизм-ленинизмга бутунлай ётдир. Кескин синфий зиддиятлар, крепостникларнинг қаттиқ эксплуатацияси, меҳнаткашлар оммасининг ҳуқуқсизлиги, кўп асрлар давом этган маданий қоқоқлик ва фаннинг кам тараққий этганлиги, шубҳасиз, ўрта асрларнинг хусусияти эди. Лекин шу билан бирга марксизм, ўрта асрлар антик дунёдаги қулчиликка қараганда жамиятнинг олға қараб тараққий қилишида прогрессив бир босқич бўлган, деб таъкидлайди. Феодализм даврида ижтимоий шароитлар ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши учун, бинобарин, пировард-оқибатда маданиятнинг ривожланиши учун ҳам илгари вақтдагига, яъни ибтидоий жамоа ва қулдорлик тузуми вақтидагига қараганда анча қулай бўлган.

Ўрта асрларнинг иккинчи даврида шаҳарларнинг равнақ топиши, крепостнойлик ҳуқуқининг кучсизланиши, баъзи жойларда эса (Ғарбий Европадаги илғор мамлакатларда) XIII—XIV асрлардаёқ йўқ бўлиши, европаликларнинг Шарқ билан қиладиган савдо алоқасининг кучайиши, XV аср охиридан бошлаб ва XVI асрда уларнинг зўр бериб океанларга чиқиши Европанинг иқтисодий жиҳатдан юксалганини яққол кўрсатиб туради. Феодализмнинг чириши натижасида феодализм формацияси ичиди феодализмга нисбатан прогрессивроқ бўлган янги, капиталистик формация элементлари етилди, капиталистик формация ўз навбатида кейинча социализмнинг вужудга келиши учун шароит туғдирди.

Ғарбий Европада Ўрта асрлар тарихининг яна бошқа бир қизиқ томони ҳам бор. Бу тарих бизни ҳозирги Европа халқларининг келиб чиқиши ва миллат-миллат бўлиб таркиб топиши-